

ЎРТА ОСИЁДА БРОНЗА ДАВРИДА МИГРАЦИЯЛАР ВА ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР

У.И.Абдуллаев - тарих фанлари номзоди, доцент

Урганч давлат университети

Таянч сўзлар: бронза даври, этномаданий жараён, сиёсий жараён, ижтимоий-иқтисодий тизим, аҳоли миграцияси, урбанизация, давлатчилик тарихи.

Ключевые слова: эпоха бронзы, этнокультурный процесс, политический процесс, социально-экономический строй, миграция населения, история государственности.

Key words: bronze Age, Ethnocultural Process, Political Process, Socio-Economic System, Population Migration, Urbanization, History of State.

XX аср давомиди ва XXI асрнинг бошларида тадқиқотчилар томонидан Шумер, Эрон, Ўрта Осиё, Ҳинд ва бошқа юртлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалаларини ўрганишга катта ҳисса қўшдилар. Бу турли илмий тўпламлардаги мақолаларда ўз аксини топди [1]. Шу тариқа Қадимги Шарқда содир бўлган миграцияларнинг шакллари қуйидагича изоҳланди: 1) каттароқ маданий интеграция мавжуд вилоятдан кичикроқ маданий интеграция хос бўлган жойларни тўғридан-тўғри босиб олишга уриниш; 2) янги ресурсларни ўзлаштириш ва назорат қилиш мақсадида олис мамлакатлараро савдо-сотиқни ривожлантириш, ижтимоий соҳаларда янги технологиялар элементларини яратиш [2:167].

Бизнингча, юқорида келтирилган тавсифнома миграцияларнинг мазмун моҳиятини тўлиқ очиб бермайди, чунки қадимги миграциялар нафақат юқори даражадаги маданий вилоятлардан амалга оширилган, аксинча қоқоқ маданий жойлардан ривожланган тарихий-маданий ўлкаларга ҳам қобилалар кўчиб келган.

Бронза даври қадимги Ўрта Осиё тарихининг энг муҳим босқичларидан бўлиб, иқтисод, ижтимоий муносабатлар, моддий ва маънавий маданият ривожидида катта ўзгаришлар билан изоҳланади. Бу даврда аҳоли томонидан ўзлаштирилган ҳудудлар кенгайиб борган, ишлаб чиқарувчи хўжалик шакллари минтақанинг шимоли-шарқий вилоятларида ёйилади, жанубий ҳудудларда ихтисослашган ҳунармандчилик ишлаб чиқариши вужудга келиб, урбанизация жараёнлари, шаҳарсозлик маданияти ривожланади.

Энеолит ва бронза давларида металлургия тараққиёти натижасида, одамлар мис ва бошқа металллар (қалай, қўрғошин) конларини ўзлаштириб, олтин ва қумуш нодир металлари ҳамда ложувард, фелуза каби қимматбаҳо тошлардан фойдалана бошладилар.

Энеолит даврида, тахминан мил. авв. IV минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб, Ҳиндикуш ёнбағирларида Амударё – Панж ҳавзасидаги Қўкча, Қундуз, Дарё Банги ва Шеровон дарёларининг воҳалари Белужистон – Ҳинд водийсидан кўчиб келган аҳоли гуруҳлари томонидан босқичма-босқич эгаллаб олинади [3:99-154].

Бу ҳудудлар (шимоли-шарқий Афғонистон) қадимги Бактриянинг шарқий қисмини ташкил этган. Унинг тоғли жойларида ноёб минераллар ва металлларнинг (ложувард, қумуш, олтин) конлари мавжуд бўлган [4:89]. Шу боис бу давр миграцияларнинг асосий сабабларидан бири тоғ конларини ўзлаштириш мақсадидан келиб чиққан.

Зарафшон воҳасида энеолит ва илк бронза даврида, Саразм манзилгоҳи шаклланади (ҳозирги Панжикент шаҳридан 15 км ғарбда жойлашган), юқори даражада ривожланган маданий – хўжалик ҳудудлардан кўчиб келган қобилалар унга асос солади (Белужистон, Жанубий Туркманистон) [5]. Бунда Зарафшон дарёсининг юқори ва қуйи оқимларидаги жойларда ҳамда Қизилқумда фойдали қазилмалар, мис ва қалай конлари мавжудлигини инобатга олиш лозим [6:17-21].

Саразм аҳоли томонидан аввал ўзлаштирилмаган

ҳудудда пайдо бўлган. Кўчиб келган Белужистон ва Жанубий Туркманистоннинг Геоксур воҳаси аҳоли гуруҳлари дастлаб бир-бирлари билан аралашиб, қоришиб кетмаган. Икки миграция марказлари маданиятларига хос сопол идишларнинг ишлаб чиқарилиши, алоҳида гузарларни ташкил этган уй-жойларнинг жойлашиши бундан далолат беради. Бироқ илк бронза даврига келиб, Саразм моддий маданиятининг қиёфаси, қурилиш техникаси ва меъморчиликнинг хусусиятлари Ўрта Осиё жануби, Афғонистон ва Эроннинг шимоли-шарқий вилоятлари бронза даври маданиятларига ўхшаб кетади [7:174-192].

Умуман олганда, Панж ҳавзаси ва юқори Зарафшон воҳасининг энеолит даврида ўзлаштирилиши кенг миқёсдаги узоқ масофада амалга оширилган миграцияларнинг намунаси босқичи ҳисобланади. Уларнинг сабаблари иқтисодий омиллар билан белгиланган эди.

Ҳудди шу сабаблар оқибатида, мил. авв. III минг йилликнинг ўрталарида Панж ҳавзасида Хараппа – Мохенждаро цивилизацияси вакиллариининг миграцияси туфайли, Шўртўқай каби йирик савдо маскани – факторияси вужудга келган [8:29-86]. У Ҳинд цивилизацияси марказларидан бири – Мохенждародан 1100 км дан ортиқ узоқ масофада жойлашган. Бу йўналишда мигрантлар баланд Ҳиндикуш тоғларининг даралари ва доволаридан кесиб ўтганлар [9:119-120].

Бронза давридан бошлаб Қадимги Шарқда – Миср, Иккидарё оралиғи (Месопотамия), Эрон, Ҳиндистон ва Ўрта Осиёни қамраб олган кенг ҳудудий миқёсда қимматбаҳо тош – ложувард ташқи савдо-сотиқ тизимида катта ўрин эгаллайди [10]. Шу боис Шўртўқай атрофидаги Ҳиндикуш тоғлари конларидан қазиб чиқарилган ложувард нафақат Ҳинд водийсига, балки Эрон ва Элам орқали Олд Осиё мамлакатларига ҳам етказиб берилган. “Ложувард йўли”нинг шаклланиши Қадимги Шарқ алоқа – савдо йўллари тизимида янги тармоқларни вужудга келтирган [11:56-57]. Улардан миграцияларнинг янги босқич-ларида фойдаланилган.

Миграцияларнинг навбатдаги босқичи мил. авв. III минг йилликнинг охирилари – II минг йиллик бошларига тўғри келади. Улар кенг миқёсда қуйи Мурғоб дарёси (Марғиёна) ва Бактрия ерларини эгаллаб олиши жараёнлари билан боғланган эди. В.И. Саранидининг ёзишича, мил. авв. III минг йилликнинг иккинчи ярмида Яқин Шарқ ҳудудларида иқлимнинг исиб кетиши (аридизация) аҳолининг оммавий миграцияларига сабаб бўлган. Бу даврда ёмғирлар микдори кескин камайиб бориб, қурғоқчилик бошланган. Бундай шароитда аҳоли ўз яшаш жойларини ташлаб кетишга мажбур эди [12:16].

Шунингдек подшо Нарамсин (мил. авв. 2236-2200 й.) ҳукмронлиги даврида Месопотамияга ғарбдан дашт кўчманчи қабилаларнинг бостириб кириши сабабли, маҳаллий аҳоли миграциясининг ошиб кетишига олиб келган. Аккад, Шумер ва Элам қабилалари Шарқий Эрон ва Жанубий Туркманистон ерларига қараб йўл олишган [12:17-18]. Кўчиб келишнинг оммавий хусусияти ҳақида Марғиёна ерларида аниқланган 100

дан ортик бронза даври археологик ёдгорликлари – манзилгоҳлари гувоҳлик беради. Мигрантларнинг ҳаракатлари Мурғоб воҳасини ўзлаштириш жараёни билан чекланмаган. Улар ўз мулки ва чорва подалари билан қўшни Бактрия ҳудудига кириб келганлар. Марғиёна ва Бактрияда шаклланган маданият археология фанида Гонур, Даштли – Сополли маданияти ёки Окс цивилизацияси деб аталади.

Демак, Марғиёна ва Бактрия ҳудудлари илғор ривожланган Шарқ цивилизациялари марказларидан бошланган миграцияларнинг натижасида ўзлаштирилади. Бу цивилизациялар вакиллари зироатчи – чорвадорлар, хунармандлар ҳамда меъморчилик – режавий усуллари, мураккаб мудофаа тизими, уй-жойлар ва катта бинолар бунёд этиш техникасини билган бинокорлар эди. Улар ўз юртларидаги давлат ва бошқарув тизимида шаклланган илғор, уюшган жамият вакиллари бўлган [4:90]. Бундан Марғиёна ва Бактрияда топиб текширилган йирик сарой ва ибодатхоналар ҳўжалик мажмуалари далолат беради [13]. Келгиндилар ўз моддий ва маънавий маданияти анъаналарини сақлаб қолган ҳолда, Шарқда маълум цивилизациянинг ҳудудий доирасини кенгайтиришга хизмат қилишган. Мазкур миграциянинг тури Марғиёна – Бактрия бронза даври археологиясида ўз аксини топган ва бошқа ҳудудларда аниқланган археологик белгиларига кўра маълум [14:103].

Энеолит ва бронза даврида Туркменистоннинг жануби-ғарбидаги Копетдоғ ён бағирларида сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданияти ривожланган. Намозгоҳ ва Олтинтепа каби йирик археологик ёдгорликлар “қадимги деҳқонларнинг пойтахтлари” ёки “Олтинтепа цивилизациясининг шаҳарлари” деб аталган, шунингдек мазкур цивилизациянинг Месопотамия ва қадимий ҳинд Хараппа цивилизацияси билан иқтисодий-маданий алоқаларнинг мавжудлиги қайд этиб ўтилган [15].

Мил. авв. III минг йилликнинг охирига келиб, бу йирик марказлар аста-секин тушқунликка учрайди. В.М. Массоннинг ёзишича, аҳоли ўз турар жойларини тарк этиб, хусусий мулки, рўзгор буюмлари ва чорва подалари билан шарқ йўналишидаги қуйи Мурғоб воҳасига қўшни бошлайдилар [15:129]. Миграциянинг асосий сабаблари ичида кичик тоғ сойлари сувларидан сунъий суғориш – ирригация деҳқончилигида фойдаланиш имкониятларининг чекланиши, атрофдаги далаларга 2500 йил давомида ишлов бериш ва уларнинг суғорилиши натижасида тушқунлик шўрланиши ҳамда иқлимнинг исиб кетиши каби омиллар ўқиб ўтилган [15:129-130].

Бундан кўриниб турибдики, Марғиёна – Бактрия

цивилизациясининг шаклланишига нафақат узок юртлардан қўчиб келган қабилалар, балки яқин жойлашган ўзга ҳудудларнинг аҳолиси ҳам катта ҳисса қўшган. Шу боис тадқиқотчилар томонидан Олтинтепа ва Окс цивилизацияларининг меъморчилик, хунармандчилик ва моддий маданиятининг асосий жиҳатлари таққосланган. Натижада йирик (монументал) меъморчилик, катта ибодатхоналар ва уй-жойлар қурилиши, аравалар ҳаракатига мўлжалланган кенг қўчаларнинг мавжудлиги, хунармандчилик соҳаларида (кулолчилик, металлсозлик, тошга ишлов бериш) яқин белгилар аниқланган [16:78-79].

Шундай қилиб, энеолит ва илк бронза даврида Ўрта Осиёга амалга оширилган миграцияларни қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1) Мил. авв. IV минг йиллик ва III минг йилликнинг ўрталари. Сўл соҳил Панж дарёси ҳавзаси воҳаларининг ўзлаштирилиши. Миграция юзага келган таянч маркази – Белужистон, Ҳинд водийси.

2) Мил. авв. IV минг йилликнинг иккинчи ярми. Юқори Зарафшон воҳасининг ўзлаштирилиши. Қўчиб келишнинг бошланғич ҳудуди – Белужистон, Жанубий Туркменистон.

3) Мил. авв. III минг йиллик ўрталари. Сўл соҳил Панж ҳавзасига амалга оширилган миграция. Унинг келиб чиқиши ҳудуди – Ҳинд водийси, Хараппа цивилизацияси.

4) Мил. авв. III минг йиллик охири – II минг йилликнинг бошлари Марғиёна ва Бактрия воҳаларининг ўзлаштирилиши. Миграция бошланган дастлабки ҳудудлар – Олд Осиё, Иккидарё оралиғи, Эроннинг жануби – ғарби ва шимоли – шарқи, Туркменистоннинг жануби – ғарби.

Мазкур маълумотларга асосланиб, шундай хулосага келиш мумкинки, Ўрта Осиё тарихида янги маданиятлар ва цивилизациянинг вужудга келиши жараёнида ташқи миграциялар катта аҳамиятга эга бўлган. Шу боис тадқиқотчилар миграцияларни цивилизациялар ривожланишининг омили сифатида тавсифлаганлар [17:32-33].

Этномаданий масалалар йўналишида Ўрта Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши, этник географияси ва картографияси муаммоларини ўрганиш долзарб вазифадир, айниқса ижтимоий-иқтисодий, маданий ва этник жараёнларнинг кўп хиллигини аниқлаш катта аҳамиятга эга [18:8].

Бу борада қадимги маданиятларнинг маҳаллий илдизлари ва миграциялар оқибатида турли географик шароитда тарихий – маданий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳамда Ўрта Осиёда ҳўжалик – маданий типларнинг асосий белгиларини очиб бериш – муҳим масалалар.

Адабиётлар

1. Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности (II тысячелетие до н.э.). – М.: “Наука”, 1981. – С. 369; Древние цивилизации Востока / Отв. ред. В.М. Массон. – Ташкент: “Фан”, 1986. – С. 226; Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. – Алма-Ата: “Наука”, 1987. – С. 210; Индия и Центральная Азия / Науч. ред. Э.В. Ртвеладзе на англ. и рус. яз. – Ташкент: 2000. – С. 288, ил.; MeiJ. Cultural Interaction between China and Central Asia during the Bronze Age // Proceedings of British Academy. – London, 2003. – P. 1-39.
2. Ламберг – Карловски К.Х. Контуры древнейшей истории Иранского плато // Древние цивилизации Востока. – Ташкент: Фан, 1986. – С. 167.
3. Gardin J. – C., Lyonnet B. La prospection archéologique de la Bactrianeorientale (1974-1978): premiers résultats // Mesopotamya. 1978-1979. Vol. XIII – XIV. – P. 99-154.
4. Сагдуллаев А.С., Тогаев Ж.Э. Миграции эпохи бронзы в Центральной Азии // Проблемы истории, археологии и этнологии Центральной Азии. – Ташкент: 2018. – С.89.
5. Исаков А.И. Саразм: новый раннеземледельческий памятник Средней Азии // СА. – М., 1986. №1. – С. 152-157; ўша муаллиф. Sarazm: anagriculturalcenterofancientSogdiana // BulletinoftheAsiaInstitute. 1996. Vol. 8.
6. Буряков Ю.Ф. Состояние металлургического производство в период возникновения Авесты // О’zbekistontarixi. 2001. №1. – С. 17-21.
7. Раззаков А., Курбанов Ш. Исследования Саразмского отряда в 2003 гг. // Археологические работы в Таджикистане. – Душанбе, 2004. Вып. 29. – С. 174-192.
8. Frankfort H. – P., Pottier M. – H. Sondage préliminaire sur L’établissement protohistorique harappéen de Shortughai // Arts Asiatiques. 1978. Vol. XXXIV. – P. 29-86.
9. Сагдуллаев А.С. Средняя Азия и Индия: формирование и развитие ранних путей историко-культурных связей // Индия и Центральная Азия (доисламский период). – Ташкент: 2000. – С. 119-120.

10. Herrman G. Lapis lazuli: the early phases of its trade // Iraq. 1968. Vol. 30. – P. 21-57; Сарианиди В.И. О великом лазуритовом пути на древнем Востоке // КСИА. – М.: 1968. Вып. 114. – С. 3-9.
11. Мавлонов У. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Ташкент: Akademiya, 2008. 56-57-б.
12. Сарианиди В.И. Задолго до Заратуштры. – М.: Старый сад, 2010. – С. 16.
13. Сарианиди В.И. Археологические доказательства протозороастризма в Бактрии и Маргиане // Тр. Маргианской археологической экспедиции. – М.: 2008. Т. 2. – С. 9-27; Хуф Д., Шайдуллаев Ш. Некоторые результаты работ узбекско-германской экспедиции на городище Джаркутан // ИМКУ. – Самарканд: 1999.
14. Кузьмина Е.Е. Происхождение индоиранцев в свете новейших археологических данных // Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности. – М.: «Наука», 1981. – С. 103.
15. Массон В.М. Расцвет и упадок земледельцев юго-запада // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. – М- Л.: «Наука», 1966. – С. 151-156; ўша муаллиф. Алтын-Депе // Тр. ЮТАКЭ. – Л.: «Наука», 1981. Т. XVIII.
16. Бокиев А., Шайдуллаев А., Йўлдошева З. Ох цивилизацияси. – Тошкент: “Yanginashr”, 2015.
17. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент: 2005. – С. 32-33.
18. Сагдуллаев А.С. Актуальные проблемы древней истории Центральной Азии // Формирование историко-культурных областей в Центральной Азии и проблемы этнической географии. – Ташкент: 2018.

РЕЗЮМЕ

Маколада Марказий Осиёнинг бронза давридаги этномаданий жараёнлари ва ижтимоий-иқтисодий тизими таҳлил этилади. Ўрта Осиёга амалга оширилган миграциялар босқичларга ажратилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются этнокультурные процессы и социально-экономический строй Центральной Азии в эпоху бронзы. Выделены этапы миграций, осуществлённые в Среднюю Азию.

SUMMARY

The article analyzes the ethnocultural processes and socio-economic system of the Bronze Age in Central Asia. The migrations to Central Asia have been staged.

“SHARQ TARONALARI” XALQARO MUSIQA FESTIVALINING IJTIMOIY AHAMIYATI

U.Boliev – *assistent o‘qituvchi*
Samarqand davlat universiteti

Tayanch so‘zlar: tarona, musiqa, festival, madaniyat, Samarqand, tamaddun.

Ключевые слова: музыка, фестиваль, культура, Самарканд, цивилизация.

Key words: music, festival, culture, Samarkand, civilization.

Sharq musiqasi – bugungi kunda nafaqat Sharq, balki G‘arb xalqlarini ham o‘ziga maftun etib kelmoqda. Ayniqsa, keyingi yillarda O‘zbekiston dunyo miqyosida o‘zining yuksak salohiyatini tobora namoyon etib bormoqda. Birgina musiqa sohasini olaylik, mamlakatimizda bu borada «Sharq taronalari», «Zamonaviy musiqa», «Simfonik musiqa», «Milliy cholg‘ular» kabi nufuzli xalqaro festivallarning o‘tkazilishi, qator teatr va musiqa koshonalarining yuzaga kelishi ma‘naviy islohotlar yo‘lidagi ulkan odimlar ekanligidan dalolatdir. Go‘zal va navqiron Samarqand shahrida o‘tkazilib kelinayotgan, dunyo musiqasida ahamiyatga molik “Sharq taronalari” Xalqaro musiqa festivalining o‘tkazilishi borgan sari an‘anaga aylanib kelmoqda. Bugun bu tushuncha yangi ma‘no kasb etib, jahon musiqa jarayonida Sharq mumtoz kuy va ashularining betakror o‘rni mavjudligini anglatadi. Sharq taronalari musiqa festivalini yurtimizning go‘zal shaharlaridan bo‘lmish Samarqand shahrida o‘tkazilishi ham bejiz emas. Chunki, Samarqand dunyo tamaddunining beshiklaridan hisoblanib, uning iqlimi, ham geografik joylashuvi ham, qolaversa, tarixiy shon-shuhrati ham bu maskanda bu kabi nufuzli anjumanlarni o‘tkazishga juda qulaydir.

Umuman olganda jahonda har yili minglab Xalqaro festival-tanlov-shoular o‘tkazilib, shulardan 220 dan ortig‘i bevosita san‘atga aloqadordir. Xususan, dunyoda “Abadiy bahor” (rok festivali), “Osiyo-Tinchokeani qo‘shiq” telefestivali (1989-yildan e‘tiboran o‘tkazilib kelinadi va unda 14 dan ortiq davlat vakillari ishtirok etishgan), “Stokgolm qadimiy qo‘shiq” fesivali (Shvesiya) (2002 yildan buyon o‘tkazilib musiqashunos Peter Pontvik tashabbusi bilan 4 kundan bir haftaga qadar davom etadi) o‘tkaziladi. Fransiya, Niderlandiya, Turkiya va boshqa davlatlar vakillari ishtirok etib kelmoqda. Bundan tashqari, ko‘plab davlatlarda xoreografiya va milliy musiqa anjumanlari o‘tkazilib kelinadi. Ushbu anjumanlar bilan yurtimizda o‘tkaziladigan “Sharq taronalari” musiqa festivalini qiyosiy o‘rganadigan bo‘lsak, sanab o‘tilgan festivallarning ko‘pchiligi barqaror va muntazam o‘tkazilmaydi. Ko‘plab ichki siyosiy o‘zgarishlar festivallarni doimiy o‘tkazilishiga to‘sqinlik qilmoqda. Bundan tashqari, bizning mehmondo‘st xalqimiz

yurtimizga tashrif buyuruvchi festival ishtirokchilarini yo‘l xarajatlari hamda mehmonxonada yashashlari hamda sayohatlari uchun alohida mablag‘ ajratilib, festival o‘tkazilishi kunlarida hay‘at a‘zolari va festival qatnashchilariga mehmonxona restoranlari tekin xizmat ko‘rsatishdiki, bunday imtiyozlarni kamdan-kam davlatlarga amalga oshirish imkoniyatiga egadir.

Sharq xalqlarining betakror milliy musiqasi va qo‘shiq-larini keng miqyosda targ‘ib etish, yosh avlodga san‘atga, ayniqsa, milliy musiqa san‘atiga bo‘lgan muhabbatni tarbiyalash, xalqlar o‘rtasidagi do‘stlikni mustahkamlash hamda ijodiy hamkorlik va madaniy - ma‘naviy aloqalar doirasini kengaytirish – “Sharq taronalari” xalqaro musiqa festivalining tayanch maqsadlaridan biri hisoblanadi. Eng muhimi, festival orqali turli xalqlar musiqiy an‘analarining bir-biriga ta‘sir o‘tkazishi, boyitishi amalda isbotlanmoqda. Mazkur “Sharq taronalari” musiqa festivali Markaziy Osiyoda o‘tkazilayotgan eng yirik festivallardan biri hisoblanadi. Nufuzli festivalning Samarqand shahrida o‘tkazilishi bir qator ijtimoiy-siyosiy va madaniy-ma‘rifiy sabablarga egadir. Chunonchi, Samarqand azaldan nafaqat Sharq balki jahon ahamiyatiga molik siyosiy markaz bo‘lib xizmat qilgan qolaversa. U asrlar davomida din va ma‘rifat o‘choqlaridan biri sifatida e‘tirof etilib kelingan. Yurtimiz, Samarqand shahri timsolida yildan-yilga turizm shaharga aylanib borar ekan, bu yerga tashrif buyurgan xorijliklar safining tobora kengayib borayotganligi ham so‘zimizning isbotidir. Bir so‘z bilan aytganda festival bizga nafaqat musiqa va madaniyat targ‘iboti uchun balki, milliy mentalitetimizni Xalqaro maydonda ko‘z-ko‘z qilish, u bilan faxrlanish hamda dunyo e‘tiborini yurtimizga qaratish imkoniyatini beradi. Zero, festival yurtimizdagi tinchlik, hamjihatlik va barqarorlikning garovi sifatida ham baralla namoyish etilib, tobora e‘tibor va e‘tiroflarga sazovor bo‘lmoqda.

Anjuman haqidagi ta‘sirotlarni Janubiy Koreyalik Kvan Ox Sang: “Sharq taronalari” qadim Samarqand shahrida ajib guldasta shaklida jamlangan”, - deya e‘tirof etgan bo‘lsa, Hindistonlik Shaynu Xaruma bu festivalni “Xalqlar o‘rtasidagi do‘stlik va o‘zaro hamjihatlik g‘oyalarning vositachisi” deya baholagan edi. Ushbu Xalqaro musiqiy festival, Sharq xalqlarining emas, balki jahonning ko‘plab